

# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2018 йил 25 апрель, № 82 (7040) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

# ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ҚАРДОШ ХАЛҚЛАРИМИЗ МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан мамлакатимизга давлат ташрифи билан келган Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов 24 апрель куни Хоразм вилоятида бўлди.**



Урганч халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев кутиб олди.

Хоразмда ушбу ташрифга алоҳида тайёргарлик кўрилди. Вилоят кўчалари икки мамлакат давлат байроқлари, ўзбек ва туркман тилларидаги қутлов сўзлари билан безатилди. Кўчаларга чиққан минглаб юртдошларимиз юз-кўзидаги хурсандчилик икки дўст давлатнинг барча соҳалардаги ҳамкорлик алоқалари янада ривожланиб бораётганидан далолат беради. Ўзбекистон — Туркманистон муносабатларининг ёрқин истиқболи рамзи сифатида осмонга оппоқ кабутарлар учирилди.

Ўзбек ва туркман халқларининг тили ва урф-одатлари яқин, маданияти, адабиёти ва санъати уйғун.

Бугунги кунда Хоразм вилоятининг Урганч тумани Ғойбу қишлоғидаги Туркман маҳалласида минглаб туркманлар ўзбеклар билан тинч-тотув, бир оила вакилларидек иноқ яшаб келмоқда. Уларнинг ўз она тилида таълим олиши, урф-одатлари ва анъаналарини ривожлантириши учун барча шароит яратилган. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ушбу ҳудудда кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Янгиланган лойиҳадаги уй-жойлар, замонавий мактаб, мактабгача таълим муассасалари, болалар мусиқа ва санъат мактаби, оилавий поликлиника бинолари қишлоқ қиёфасини буткул ўзгартириб юборди. Замонавий ва миллий меъморчилик анъаналари асосида "Ўзбек — туркман" дўстлик уйи бунёд этилди.

Шавкат Мирзиёев ва Гурбангули Бердимуҳамедов халқларимиз дўстлиги рамзи сифатида барпо этилган ушбу иншоотни бориб кўрди. Бу ерда яратилган шароитлар билан танишди. Бинодан туркман, ўзбек ва жаҳон адабиёти намуналарини жамлаган кутубхона, ахборот-ресурс маркази, икки халқнинг кўп асрлик тарихий дўстлигини ифода этувчи музей, турли фан ва санъат тўгараклари хоналари ва қарийб икки юз ўринга эга фаоллар зали жой олган.

Фаоллар залида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Туркманистон — биз учун тарих ва вақт синовидан ўтган, кўп асрлик дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари боғлаб турадиган энг яқин қўшнимиздир. Ҳақиқий дўстлик ва яқин қўшничилик муносабатлари қандай бўлиши лозимлигини биз бошқаларга ибрат қилиб кўрсатиш учун барча имкониятларни ишга соламиз" ҳамда Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовнинг "Туркманистон ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар — бир-бирини қадрлайдиган ва ҳурмат қиладиган қардош халқлар, меҳрибон қўшниларнинг мулоқотидир. Ушбу мустаҳкам пойдевор асосида биз бундан буён ҳам халқларимиз ўртасидаги анъанавий дўстлик ва қардошлик алоқаларини ривожлантирамиз ва мустаҳкамлаймиз", деган сўзлари битилган.

Бу икки халқ вакиллари, айниқса, ёшлари ўртасида дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Давлат раҳбарлари "Ўзбек — туркман" дўстлик уйи ҳовлисига ўрнатилган туркман халқининг буюк шоири ва мутафаккири Махтумқули Фироғий бюсти пойига гул қўйди.

Туркман халқи Алишер Навоий ғазалларини севиб ўқиганидек, ўзбек халқи ҳам Махтумқулини ўз шоиридек ардоқлайди.

Атоқли шоир "Фироғийнинг икки кўзи бор, бири туркман бўлса, бири ўзбегим", дея икки халқ ўртасидаги қардошлик ва дўстликни меҳр билан тараннум этган эди. Бугун ушбу дўстлик анъаналари янги босқичга кўтарилди.

"Ўзбек — туркман" дўстлик уйи, туркман миллатига мансуб юртдошларимиз учун яратилган имкониятлар туркманистонлик меҳмонларда катта taассурот қолдирди.

Шундан сўнг Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Гурбангули Бердимуҳамедов "Улли ҳовли" ёдгорлик мажмуасига ташриф буюрдилар.

Ўн еттинчи асрга оид ушбу мажмуада Президентимиз ташаббуси билан кенг кўламли таъмирлаш ва реставрация ишлари амалга оширилди. Бунда бинонинг асл тарихий ҳолатини сақлаб қолишга ҳаракат қилинди. Салкам бир гектар майдонни эгаллаган мазкур обида ҳимоя қўрғони билан ўралган. У бу ерда истиқомат қилган оилалар хавфсизлигини таъминлаган. Бу ерда, шунингдек, туркман халқининг миллий маданиятига тегишли осориатиқалар бор. Мажмуада сайёҳлик ва зиёрат туризмини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Йигирма ўринли меҳмонхона қурилди. Туркман ўтовлари ўрнатилди.

Сайёҳлар бу ерда тегирмонларда ун ва гуруч тайёрлаш ҳамда улардан турли мазали таомлар пишириш, тандирларда хоразмча ва туркманча нон ва патир ёпиш жараёнининг гувоҳи бўлиши мумкин.

Президентлар қалъада сақланаётган, ўзбек — туркман халқларининг қадимий тарихидан ҳикоя қилувчи нодир экспонатлар билан танишдилар. "Улли ҳовли" мажмуаси отхонасидаги машҳур ахалтеке зотли отларни бориб кўрдилар.

Ўзбек ва туркман мумтоз қўшиқларидан намуналар ижро этилди.

Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида "Ичан-Қалъа" ҳамда "Нуриллабой" мажмуасини зиёрат қилди.

Олий мартабали меҳмонга ушбу қадамжолар тарихи, бу ерда сайёҳликни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўзлаб берилди.

"Очиқ осмон остидаги музей", деб эътироф этиладиган "Ичан-Қалъа"да жойлашган Паҳлавон Маҳмуд мақбарасида буюк аждодимиз хотирасига Қуръон тиловат қилинди.

Президентлар Шерғозихон мадрасасини ҳам кўздан кечирди. Бу масканда таълим олган алломалар шарафига ташкил қилинган музей фаолияти билан танишди. Ушбу мадрасада ўз даврида Маҳтумқули Фироғий ҳам уч йил таҳсил олган.

Мажмуада шоир шеърларига басталанган мумтоз қўшиқлар ижро этилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан юртимиздаги барча тарихий шаҳарлар қатори Хива шаҳрининг ҳам тарихий-меъморий ва туризм салоҳияти изчил ривожлантирилмоқда. Ҳудуддаги бебаҳо маданий ёдгорликлар асл қиёфасини йўқотмаган ҳолда таъмирланиб, атрофи ободонлаштирилмоқда.

Хусусан, "Нуриллабой" тарихий мажмуаси реконструкция ва реставрация қилинди. Ресторан, қабуллар уйи, галерея, амфитеатр барпо этилди.

Бу аждодларимизнинг бой тарихий мероси, маданияти ва санъати намуналарини асраб-авайлаш, халқимизнинг юксак бунёдкорлик салоҳиятини дунё жамоатчилигига кенг намоён этишга хизмат қилмоқда.

Туркманистон Президенти аждодларимизнинг бунёдкорлик закоси, улар меросини асраб-авайлаш борасида бугун амалга оширилаётган ишларга юқори баҳо берди.

Куннинг иккинчи ярмида Урганч шаҳридаги Хоразм вилояти мусиқали драма театрида Ўзбекистон — Туркманистон санъат усталарининг концерти намойиш этилди.

Унда Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Гурбангули Бердимуҳамедов иштирок этди.

Бу ўзбек ва туркман халқлари маданияти бир-бирига яқинлигининг яна бир намоёни, мамлакатларимизнинг замонавий ва мумтоз санъати билан кенг танишиш учун қулай имконият бўлди.

Шу билан Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовнинг Ўзбекистонга ташрифи ниҳоясига етди.

Урганч халқаро аэропортида Туркманистон Президентини Ўзбекистон Президенти кузатиб қўйди.

Туркманистон Президентининг Ўзбекистонга давлат ташрифи ва унинг доирасида имзоланган ҳужжатлар, бўлиб ўтган маданий тадбирлар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик яхши қўшничилик ва қардошлик тамойиллари асосида мустаҳкамланиб бораётганини яққол намоён этди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**Аҳмаджон ШОКИРОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари.**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.**

## ДУНЁ НИГОҲИ

# ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ МАРКАЗИЙ ОСИЁДА МУТЛАҚО ЯНГИ СИЁСИЙ МУҲИТ ЯРАТМОҚДА

Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовнинг Ўзбекистонга амалга оширган давлат ташрифи ва бўлиб ўтган олий даражадаги музокаралар хорижий оммавий ахборот воситалари томонидан алоҳида эътироф этилмоқда.

Мамлакатларимиз улкан табиий ресурсларга эгалигини ҳисобга олган ҳолда, **Буюк Британиянинг нуфузли "Reuters" ахборот агентлиги** ўқувчилари эътиборини Ўзбекистоннинг Туркманистон — Афғонистон — Покистон — Ҳиндистон газ қувури қурилиши лойиҳасида қатнашиш ҳақидаги қарорига қаратади.

"Ўзбекистонлик мутахассислар Туркманистонга бориб, ушбу газ қувурини қуришда Ўзбекистоннинг иштироки масалаларини муҳокама қилишлари кутилмоқда", дейилади "Reuters" тарқатган мақолада.

**Ҳиндистоннинг марказий газетаси "The Hindustan Times"** ўз материалида газ қувурини қуриш бўйича лойиҳа қиймати 8 — 10 миллиард долларга баҳоланаётганини билдирди. Мазкур коридор бўйича йилига 33 миллиард кубометргача "зангори олов" Туркманистондан Афғонистон ва Покистон орқали Ҳиндистонга экспорт қилиниши мумкин.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон турли мамлакатларга табиий газ экспорт қилаётгани ҳамда газ қувурларини қуриш ва улардан фойдаланиш бўйича катта тажрибага эгалиги ҳам таъкидланди.

**АҚШнинг "Diplomat" журнали** Президент Шавкат Мирзиёев ташқи сиёсатида яхши қўшничилик алоқаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаётганини эътироф этди. Ўзбек дипломатияси томонидан амалга оширилган фаол чора-тадбирлар натижасида Марказий Осиёда мутлақо янги сиёсий муҳит яратилиб, давлатлар ўртасидаги ўзаро дўстлик ҳамда ишонч ришталари мустаҳкамланаётганлигига аҳамият қаратилди.

"Сўнгги йилларда Ўзбекистон — Туркманистон алоқалари ривожига салмоқли туртки берилди. 2017 йилнинг биринчи чорагида мамлакатлар ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 55 фоиз ўсди. Томонлар эришилган ютуқлар билан чекланиб қолмасдан, савдо-иқтисодий алоқаларни жадаллаштириш ва ўзаро сармоялар ҳажмини ошириш йўлларини муҳокама қилмоқдалар", дея ёзилади нашрда.

"Президентлар стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш, турли жабҳалардаги алоқаларни ривожлантириш масалаларини кўриб чиқдилар. Минтақавий ҳамда халқаро муаммолар бўйича ҳам фикр алмашилди", дейилади **Россиянинг "Мир 24" телеканали** орқали кўрсатилган махсус репортажда. Ўз навбатида, **"Eurasia Daily" таҳлилий портали** экспертларининг фикрича, Шавкат Мирзиёев ва Гурбангули Бердимуҳамедовнинг учрашуви бутун дунёга ўзбек — туркман ҳамжиҳатлиги ҳамда дўстлигини намойиш қилиш учун қулай имконият яратди.

**Хитойнинг "Синьхуа" янгиликлар агентлиги** Тошкентда "Ашхобод сайилгоҳи" очилиши тўғрисида репортаж тарқатди. "Унинг очилиш маросимида икки давлат раҳбарлари қатнашдилар. Президентлар боғда яратилган шароитлар билан танишдилар ва яхши қўшничилик алоқаларининг рамзи сифатида кўчат ўтқаздилар", деб хабар беради хитойлик журналистлар.

**Озарбайжоннинг "Trend" ахборот агентлиги** музокаралар якуни бўйича томонлар 17 та ҳужжат имзолаганини маълум қилди. Шунингдек, икки давлат ташқи ишлар маҳкамалари 2019 йилга мўлжалланган ҳамкорлик дастури имзолаганини ҳам қайд этди.

**Анвар МИРЗАЕВ**
**(«Халқ сўзи»)**
**тайёрлади.**

## Бизнес форуми

# Истиқболли лойиҳалар учун мулоқот майдони

*Чирчиқ шаҳрида фаолият юритаётган "Elstan" хусусий корхонаси ҳамда Туркманистоннинг "Берк Ганатли" корхонаси ўртасида истиқболли шартнома имзоланди. Келишувга кўра, Чирчиқ шаҳрида жорий йилнинг учинчи чорагида автоматик ўчиргичлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган қўшма корхона ишга туширилади.*

Лойиҳанинг умумий қиймати 1,2 миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, пировардида қўшимча иш ўринлари яратилади.

Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовнинг мамлакатимизга давлат ташрифи доирасида пойтахтимизда ташкил қилинган Ўзбекистон — Туркманистон бизнес форуми ана шундай кўплаб истиқболли шартномалар имзоланишида муҳим майдон вазифасини ўтади.

(Давоми 2-бетда).

# Кучли ижтимоий ҳимоя самараси

## одамлар ҳаётида яққол намоён бўлаяпти

*Бугун пойтахтимизда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан ҳамкор ташкилотлар иштирокида "Ҳаракатлар стратегияси ва кучли ижтимоий сиёсат: халқаро амалиёт ва Ўзбекистон тажрибаси" мавзуида халқаро конференция ўтказилмоқда.*

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар доирасида юртимизда ҳаётга изчил татбиқ этилаётган мутлақо янгича ижтимоий сиёсатнинг мазмун-моҳиятини дунё жамоатчилигига етказиш, давлат органлари, касаба уюшмалари, Савдо-саноат палатаси ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги ҳамкорлиги ва шериклиги истиқболларини белгилаб олиш мақсадида уюштирилган ушбу йирик анжуманга 30 дан ортиқ мамлакатлардан нуфузли халқаро экспертлар ҳамда олимлар, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Россия Федерацияси, Афғонистон, Албания, Беларусь, Болгария, Грузия, Замбия, Италия, Латвия, Литва, Малайзия, Молдова, Непал, Озарбайжон, Сербия, Туркия, Хитой Халқ Республикаси, Эстония каби давлатларнинг касаба уюшма марказлари раҳбарлари ташриф буюрдилар.

(Давоми 2-бетда).

## «Халқ сўзи» назоратида

# «Сувнинг уволи ёмон»

## мақоласида кўтарилган масалаларни ҳал этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўрилади

*"Халқ сўзи" газетасининг шу йил 19 апрелдаги сонида чоп этилган "Сувнинг уволи ёмон" сарлавҳали мақолада бугунги куннинг долзарб мавзуси — табиат мусаффолиги ва инсон саломатлигининг асоси саналган сув ҳавзаларининг муҳофаза зоналаридаги аянчли аҳвол, дарё, канал ҳамда ўзанлардаги обиҳаётнинг ифлосланиши билан боғлиқ муаммолар Тошкент шаҳри ва вилоятининг бир қисмини тоза ичимлик суви билан таъминловчи Бўзсув канали мисолида қаламга олинган эди.*

*Одатда газетанинг бу каби ҳар бир чиқиши мутасаддилардан тортиб, оддий газетхонларни ҳам бефарқ қолдирмайди. Шу пайтга қадар таҳририятимизга келаётган мактублар, телефон қўнғироқлари бунинг тасдиғидир.*

*Мазкур таҳлилий мақолада кўтарилган масалалар пойтахт вилояти ҳокимлигининг алоҳида назоратига олинди. Ўтган ҳафта вилоят ҳокими раислигида шошилинч чақирилган видеоселектор йиғилиши ушбу мақола муҳокамасига бағишланди.*

(Давоми 2-бетда).

Қонун кучга кирди

# Умумхалқ бойлиги, ризқимиз манбаи

1998 йил 30 апрелда қабул қилинган "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонунда қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритаётган фермерлар, деҳқонлар фақат пахта-ғалла, чорвадорлар — чорва, боғ эгалари — боғдорчилик йўналишида фаолият олиб бориши лозим ҳамда улар қишлоқ хўжалигининг бошқа жабҳаларида фаолият кўрсатиши ман қилинган эди. Яқинда кучга кирган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун билан мазкур Қонунга ҳам ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилди.

Унга кўра, фермер хўжалиги ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектидир, дея унинг фаолияти янги таҳрирда баён этилди. Шунингдек, кўп тармоқли фермер хўжалигига маҳсулотни етиштириш билан бирга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш ҳамда реализация қилиш, саноат ишлаб чиқариши, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланувчи фермер хўжалигидир, дея таъриф берилган.

Шу ўринда бир масалага эътиборингизни қаратсак. Сурхондарё вилоятининг Сариосиё туманида "Феруз", "Ашур Абдулқосим", "Раҳмат", "Имкон", "Ал-Шамшер" каби фермер хўжаликлари четдан наслдор чорва моллари олиб келиб боқмоқда. Бундан ташқари, улар асаларичилик, паррандачилик, балиқчилик билан ҳам шуғулланишаяпти. Баъзи фермер хўжаликлари қўшимча техник хизмат кўрсатиш шохобчалари, сартарошхона, қассобхона, новвойхона, умумий овқатланиш шохобчалари ташкил этиб, фаолиятини кенгайтиришмоқда. Боғлар ҳамда иссиқхоналар ташкил қилаётган фермер хўжаликлари сони ҳам ортиб, кўп тармоқли фермер хўжаликларига айланаяпти.

Қонун билан фермер хўжаликлари манфаати учун яхши имконият яратилгани ҳолда, фермер хўжаликларини ташкил этиш шартлари бирмунча такомиллашди. Амалдаги нормалардан фарқли равишда наслли чорвачиликка ихтисослаштирилган фермер хўжалиги учун ҳар бир бош чорва молга ҳисоблаганда 0,5 гектардан 0,6 гектаргача ер майдони ажратилиши белгиланган. Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжаликларига шартли мол бошига қараб сувли ва суғорилмайдиган (лалми) ерлардан олдингиларга нисбатан бу тарзда кўпайтириб берилиши фермер хўжаликларига чорва учун озуқа миқдорини етарлича яратиш имкониятини яратади.

Аксарият ҳолларда боғ-узумчилик ҳамда сабзавот-полизчилик йўналишидаги фермер хўжаликларининг катта ер майдонларида фаолият юритиши кутилган натижаларни бермаётганидан келиб чиқиб, боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик ва бошқа экинларни етиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжаликлари учун ажратиладиган ер майдонлари камида 1 гектар ҳамда кўпи билан 5 гектар ҳажмда ижарага берилиши белгиланган.

Қонун билан, шунингдек, деҳқончилик соҳасидаги фермер хўжаликларига ажратиладиган ер майдонлари меъёри белгилаб берилди. Унга кўра, фермер хўжаликлари бу имкониятдан фойдаланган ҳолда янада кўпроқ фуқароларни иш билан таъминлаши мумкин. Қонунда ер участкаси берилган фермер хўжалиги зиммасига ўз хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги (уч йил учун ўртача йиллик ҳосил ҳисобида) қонун ҳужжатларида белгиланган норматив ҳосилдорликдан кам бўлмаслигини таъминлаш мажбурияти юкланган.

Илгарилари фермер хўжалигининг раҳбари пенсия ёшига тўлганда ёки меҳнат қобилиятини йўқотганда ўз оила аъзоларидан бирига қонун ҳужжатларига мувофиқ ижара шартномаси амал қиладиган муддатга бериши мумкин эди. Янги ўзгартириш матнида буларга қўшимча равишда ҳарбий хизматга чақирилган ёки олий таълим муассасасига ўқишга қабул қилинган, сайлаб қўйиладиган лавозимларга сайланган тақдирда ҳам ўз оила аъзоларидан бирига қонун ҳужжатларига мувофиқ ижара шартномаси амал қиладиган муддатга бериши мумкинлиги қайд этилган.

Янги Қонун билан киритилган ўзгартишлар замон талаби ўлароқ, аграр тармоқда фидокорона меҳнат қилаётган фермер хўжаликлари учун муносиб шароитлар яратиш, уларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлашга хизмат қилади. Айни пайтда мамлакатимиз иқтисодиётининг энг асосий бўғинларидан бўлган аграр соҳа олдига қўйилган вазифаларнинг ижобий ҳал этилишига шароит яратади.

**Очилди ХИДИРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.**

# Атроф-муҳит муҳофазаси ва ҳуқуқий асос

Бугунги кунда мамлакатимиз халқаро ҳуқуқнинг тўлақонли субъекти сифатида барқарор ривожланиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан, шу жумладан, биологик ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлашга йўналтирилган изчил ижтимоий-иқтисодий ва экологик сиёсат олиб бормоқда. Бинобарин, ҳайвонот ҳамда ўсимлик дунёсини муҳофаза этиш ва улардан самарали фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини кучайтириш экологик барқарорликни таъминлашда устувор вазифалар сирасига киради.

Жорий йил 18 апрель куни Президентимиз томонидан имзоланган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун билан "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонуннинг сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларининг мажбуриятларини белгиловчи 35 ҳамда $35^1$-моддалари табиий ресурсларнинг турларидан бири бўлган ўсимлик дунёсига зарар етказилишига йўл қўймасликни назарда тутувчи норма билан тўлдирилгани ушбу йўналишдаги камчиликларга барҳам берди. Яъни сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларига фақатгина ўрмонларга эмас, балки умуман, ўсимлик дунёсига зарар етказилишига йўл қўймаслик каби мажбуриятлар юклатилди.

Шунингдек, мазкур Қонунда сув объектларидан спорт ҳамда ҳаваскорлик мақсадида балиқ овлаш учун фойдаланиш шартлари аниқлаштирилди. Эндиликда балиқчилик хўжалиги ташкилотларига бириктирилган табиий сув ҳавзаларида, балиқчилик питомникларида ва ҳовуз хўжаликларида, шунингдек, овчилик-балиқ овлаш жамиятларига бириктирилган жойларда спорт ҳамда ҳаваскорлик йўли билан балиқ овлаш уларнинг рухсатига кўра амалга оширилади.

Сувдан фойдаланиш учун имтиёзли ҳуқуқлар бериб қўйилиши мумкин бўлган субъектлар аниқлаштирилди. Унга кўра, ёввойи сув қушлари ва қимматли мўйна берадиган сув ҳайвонлари (қундуз, ондатра, сув каламуши, нутрия ҳамда ҳоказолар) маскани бўлган дарёларда, кўлларда ва бошқа сув объектларида овчилик хўжалигини юритишни амалга ошираётган юридик ҳамда (ёки) жисмоний шахсга экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, сув хўжалиги органлари сувдан комплекс фойдаланиш талабларини ҳисобга олган ҳолда сувдан фойдаланишга доир имтиёзли ҳуқуқлар бериши мумкин. Олдин фақат овчилик хўжалиги корхоналарига ҳамда ташкилотларига бундай имтиёзли ҳуқуқ берилиши мумкин эди. Аммо бугунги кунда овчилик хўжалигини юридик шахслар ҳам, жисмоний шахслар ҳам юритиши мумкин. Шу муносабат билан қонунчиликка киритилган мазкур ўзгартиш овчилик хўжалигини юритаётган барча субъектга бир хилда шароит яратишга хизмат қилади.

Умуман олганда, қонунчиликка киритилган ушбу ўзгартиш ва қўшимчалар мамлакатимизнинг фауна ҳамда флорасини муҳофаза этиш, бойитиш ва улардан оқилона фойдаланишни таъминлашга қаратилгани билан эътиборга моликдир.

**Жуманазар ОТАЖОНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.**

# Истиқболли лойиҳалар учун мулоқот майдони

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон ҳамда Туркманистон ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар тобора кенгаймоқда. Мамлакатлар ўртасида йўлга қўйилган мустаҳкам ҳамкорлик натижасида ўтган йили ўзаро савдо айирбошлаш ҳажми 177,3 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Аммо Ўзбекистон ҳамда Туркманистоннинг мавжуд салоҳиятларидан тўла фойдаланган ҳолда, яқин келажакда бу кўрсаткични янада ошириш режалаштирилган.

Форум доирасида ўтказилган кооперация биржасида Ўзбекистон ва Туркманистоннинг ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш, маҳсулот етказиб бериш ҳамда хизмат кўрсатишни кенгайтириш, қўшма корхоналар фаолиятини йўлга қўйиш борасида тенг манфаатли шартнома ва келишувларга эришилди.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Кучли ижтимоий ҳимоя самараси

## одамлар ҳаётида яққол намоён бўлаяпти

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бу форум ижтимоий-меҳнат масалаларини ҳал қилишда бевосита қатнашаётган экспертлар таклиф ва мулоҳазалари ҳамда тажрибаларини конструктив муҳокама этиш ва ўзаро фикр алмашиш учун халқаро платформа вазифасини ўтайди. Айни чоғда у Ўзбекистоннинг очиқлигини, фаол ҳамда амалий ҳамкорлик, халқаро ва чет эл тажрибасини ўрганиш асосида аҳолини ижтимоий ҳимоялашга оид вазифаларни ҳал қилишга тайёрлигини намоён этиши билан ҳам аҳамиятлидир. Мазкур ташаббус Халқаро меҳнат ташкилоти, Халқаро касаба уюшмалари конфедерацияси, Халқаро касаба уюшмалари конфедерацияси Умумевропа касаба уюшмалари минтақавий кенгаши ҳамда Халқаро иш берувчилар ташкилоти каби нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан кенг қўллаб-қувватланди.

Кеча тадбир иштирокчилари анжуман олдидан Самарқанд вилоятида бўлиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг ҳаётий натижалари, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш йўналишида олиб борилаётган эзгу саъй-ҳаракатлар, улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш юмушлари, тарихий ҳамда замонавий обидалар билан танишдилар.

Меҳмонларни темир йўл вокзалида давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари тантанали кутиб олди. Улар бу ердаги тарихий ҳамда замонавий иншоотлар, муқаддас қадамжолар, хусусан, Амир Темур, Хўжа Дониёр мақбаралари, Ислом Каримов мангу қўним топган маскан, Улуғбек расадхонаси ва "Сиёб" бозорида бўлдилар.

Конференция қатнашчилари қатор корхоналарда бўлиб, уч томонлама жамоа шартномаларида ходимлар учун кўплаб қулайлик ҳамда енгилликлар кўзда тутилгани, жумладан, техника хавфсизлиги ва ишчи-ходимларга яратилган меҳнат шароитини юқори баҳолашди. Ана шундай корхоналардан бири — "СамАвто" заводидир. Бу ерда ўтган давр мобайнида 30 минг донадан ортиқ автобус ҳамда юк автомобиллари ишлаб чиқарилди. Салкам минг нафар малакали ходимлардан иборат жамоа ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш тараддудида.

Хорижликлар навбатдаги манзил — Самарқанд шаҳридаги "Боғи сарой" маҳалла фуқаролар йиғинида бўлишди. Маҳалладаги орасталикдан ташқари, бу ерда фуқаролар йиғини ва турли комиссиялар раислари, профилактика инспекторининг биргаликда ишлаши учун барча шароит яратилгани уларда ёрқин таассурот қолдирди. Фуқаролик жамиятининг муҳим бўғини ҳисобланган маҳалла институтининг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш йўналишидаги ўрни, айниқса, юқори эканлигини улар алоҳида қайд этишди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида Ўзбекистонда аҳоли фаровонлигини юксалтириш борасида қилинаётган саъй-ҳаракатларга юқори баҳо бердилар. Шунингдек, ишлаб чиқариш корхоналарида бўлиб, касаба уюшмалари ҳамда иш берувчилар ижтимоий шериклигида ходимларга яратилган муносиб меҳнат шароитлари, уларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлашга доир юмушлар билан танишдилар.

## Сўз — конференция иштирокчиларига

### "Муносиб меҳнат шароитлари яратилган"

**Сергиус ГЛОВАЦКАС,**
**ХМТнинг меҳнаткашлар фаолияти бўйича Бюроси (ACTRAV)нинг Европа ва Марказий Осиё сектори мудири:**



— Ўзбекистонда охирги бир ярим йил давомида амалга оширилган ислоҳотларнинг натижалари одамлар ҳаётида кўзга яққол ташланмоқда. Бундан икки йил олдин ҳам "СамАвто"-да меҳнаткашларга яратилган шарт-шароит билан яқиндан танишгандим. Мана шу ўтган вақт ичида бу ерда ходимларга муносиб меҳнат шароитлари яратиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилибди. Ходимлар соғлиғини мустаҳкамлаш, ишдан ажралмаган ҳолда уларни жисмоний жиҳатдан чиниқтиришга алоҳида эътибор қаратилган. Айниқса, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлигини таъминлаш борасидаги изланишлар таҳсинга сазовор. Корхонадаги шарт-шароитлар билан яқиндан танишгач, тарихий обидаларни зиёрат қилдик. Бундан жудаям хурсандмиз.

### "Бундай тажрибани ўрганиш фойдалидир"

**Маҳмуд АРСЛАН,**
**"Ҳақ иш" Туркия касаба уюшмалари Конфедерацияси президенти (Туркия):**

— Ўзбекистонга ташриф буюрганимдан ва мамлакатдаги улкан ўзгаришларга гувоҳ бўлганимдан мамнунман. Жойларда одамларнинг кайфияти юқорилиги бугунги ислоҳотлар самарасидан дарак.



Ишчи-ходимларни ижтимоий ҳимоя қилишда касаба уюшмалари ўрни ҳамда роли ошганлиги ҳам менда катта таассурот қолдирди. Буни ўзимиз борган корхоналарда ходимлар учун яратиб берилган қатор қулайликлар мисолида ҳам кўрдик. Бундай тажрибани ўрганиш ҳар бир иштирокчи учун фойдали бўлди, деб ҳисоблайман.

Шуларга мос ҳолда, Самарқанддаги тарихий обидаларни ҳамда замонавий иншоотлар, гўзал хиёбонларни кўриш учун келаётган хорижликлар янада кўпайиб бораётгани эътиборимни тортди. Бунда Президентингиз саъй-ҳаракати билан туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаётгани муҳим омил бўлмоқда.

### "Ҳайрат ва ҳавас уйғотади"

**Тан Энг ХОНГ,**
**Малайзия касаба уюшмалари конгресси раиси:**



— Самарқанд шаҳрига ташрифимиз барчамизда катта таассурот қолдирди. Бу ерга "Afrosiyob" поездида келар эканмиз, атрофдаги гўзал манзарадан завқ олдик.

Юртингиз табиати ўзига хос, одамларнинг меҳмондўстлиги ва самимийлиги диққатга сазовор. Регистон майдони ҳақида қанча гапирсак, шунча оз. Маҳобатли Шердор, Тиллакори ҳамда Улуғбек мадрасалари, дунёга не-не улуғ зотларни етказиб берган бу табаррук замин ҳар қандай кишида ҳайрат ва ҳавас уйғотади.

### "Аждодлар меросига бўлган ҳурматдан ақлим лол қолди"

**Ғулом Али БАРЁЛ,**
**Афғонистон ишчилари миллий иттифоқи вице-президенти:**

— Самарқандга илк бор бундан 35 йил илгари келган эдим. Бу қадимий шаҳар, тарихий обидаларга эътибор йўқ эди ўшанда. Бугунги Самарқанд таровати эса бутунлай бошқача. Қадимий аждодлар меросига бўлган ҳурматдан ақлим лол қолди. Регистоннинг бутун жозибасини кўрсатишга катта меҳнат қилингани кўриниб турибди. Бу ердаги ободончилик, бунёдкорлик ишлари юксак дид ҳамда маҳорат билан бажарилган.



Самарқанд, ҳақиқатан ҳам, инсон умрида бир бор бўлса-да келиб кўриши зарур бўлган гўзал шаҳарга айланибди.

### "Бу кўҳна кентга келгуси гал ота-онамни ҳам олиб келаман"

**АН Жианхуа,**
**Бутунхитой Касаба уюшмалари федерацияси халқаро бўлими мудири:**



— Ўзбекистонга биринчи марта ташриф буюришим. Дунёда гўзал юрт ва шаҳарлар кўп, аммо улар орасида Ўзбекистон менда бошқача таассурот қолдирди. Меҳмондўст, самимий, юзларидан нур ёғилиб турган одамлар билан учрашганимдан ҳаяжондаман. Бугун Регистонда туриб, юрагимга бир тилакни тугдим: келгуси гал Самарқандга ота-онамни ҳам олиб келаман. Улар бу ажиб диёрни кўриб, ҳайратга тушишлари аниқ.

**О. ЛУТФУЛЛАЕВ,**
**З. ХОЛТЎРАЕВ тайёрлади.**

Депутатлар — туманларда

# Малакали мутахассисларга эҳтиёж бор

## Унинг ечими қандай бўлади?



Хурсандбек АРАББОЕВ олган сурат.

Ўтган давр мобайнида Андижон вилоятининг 9 та туманида халқ билан олиб борилган учрашувлар жараёнида минглаб муаммолар бартараф этилди. Айни пайтда халқ вакиллари Андижон туманида иқтисодий инфратузилмани ва тадбиркорликни ривожлантириш, молия-кредит ташкилотлари фаолиятини самарали ташкил этишни таъминлаш, савдо ҳамда маиший хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, ички туризмни шакллантириш масалаларини таҳлил қилмоқдалар.

— Аввалги мулоқотларда фақат муаммоларга дуч келган бўлсак, эндиликда ибратли жиҳатлар ҳам кўзга ташланмоқда, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Тўлқинжон Каримов. — Масалан, Найманобод маҳалласини олайлик. Республикамизда давом этаётган туб ислоҳотлар жараёни маҳалладошларни ташаббускорликка ундагани қувонарли, албатта. Улар ўз кучи билан маҳалла фуқаролар йиғини биносини қуриб биткизибдиларки, натижада бу ерда милиция таянч пункти, мўъжазгина кутубхона, савдо шохобчалари фаолият юритаяпти. Тўғри, маҳалладошларнинг имкони етмайдиган, чунончи, тоза ичимлик суви, электр энергияси таъминоти билан боғлиқ масалалар ҳам мавжуд. Айни пайтда ушбу вазифаларнинг бажарилиши юзасидан зарур чоралар кўрилмоқда.

Парламент аъзолари тадбиркорлик фаолиятидаги муаммоларни ҳам муфассал ўрганишмоқда. Жумладан, аксарият корхоналарда мутахассислар масаласи долзарб эканлиги аниқланди. Мисол учун, "Zamin Bio Health" инсулин ишлаб чиқариш корхонасида замонавий техник қурилмаларни бошқарувчи мутахассислар етишмайди. Корхона раҳбарлари ишчиларни хорижга малака оширишга юбориш орқали бу муаммонинг ечимини изламоқдалар. Шу билан бирга, ҳудуддаги коллежларда мутахассислик йўналишларини тўғри ташкил этиш заруратига ҳам эътибор қаратилди.

Бундан ташқари, туманда ички туризмни ривожлантириш, зиёрат масканларини ободонлаштириш мақсадга мувофиқлиги ўрганишларда аён бўлди. Халқ вакиллари ана шулардан бири — Меҳмон Валий зиёратгоҳидаги ҳолат билан танишдилар. Адирлик тепасидаги бу масканга элтувчи йўл барпо этиш, қурилиш ва ободонлаштириш ишларини ташкил қилиш долзарб экани таъкидланди ҳамда бу бўйича зарур чоралар белгиланди.

Шу ўринда қайд этиш жоиз, депутатлар аҳоли билан учрашувлари мобайнида туманнинг 77 та маҳалласида истиқомат қилувчи 264 минг 810 нафар фуқаро билан мулоқотда бўлдилар.

**Саминжон ҲУСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# «Сувнинг уволи ёмон»

## мақоласида кўтарилган масалаларни ҳал этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўрилади

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).



СУВНИНГ УВОЛИ ЁМОН

Вилоят ҳокими F. Ибрагимов газетанинг ушбу танқидий-таҳлилий чиқиши ғоят ўринли бўлганини таъкидлар экан, шу кунга қадар барча мутасаддилар Бўзсув канали билан боғлиқ аҳволни кўра-била туриб, "Сен менга тегма, мен сенга тегмайман" қабилида кўз юмиб келганларини афсус билан қайд этди. Вилоят ҳокими анҳор муҳофаза зонасидаги ноқонуний қурилмалар, оқова сувлари ҳамда маиший чиқиндиларнинг сув ҳавзасига ташланиши, бу ҳол, шубҳасиз, ҳудудлардаги санитария ҳолатини издан чиқариши, энг ёмони, инсон саломатлигига жиддий путур етказиши мумкинлиги ҳақида ўз вақтида бонг урмаган мутасаддиларни масъулиятсизликда айблади.

Вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи С. Гаппаров, вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош шифокори Б. Болтабоевнинг мазкур мақолада кўтарилган масалалар юзасидан ҳисоботи тингланди ҳамда улар ишда йўл қўйган камчилик ва нуқсонлари учун жиддий огоҳлантирилди.

***Дарвоқе, видеоселектор давомида вилоятдаги Бўзсув канали оқиб ўтувчи ҳудудлар — Чирчиқ шаҳри, Қибрай, Тошкент, Зангиота, Янгийўл, Чиноз туманлари ҳокимлари газетада кўтарилган масалага муносабат билдира олмадилар. Чунки йиғилиш ўтказилган вақтда газета чоп этилганидан уч кун ўтганига, мақолада айнан шу ҳудуд табиати, аҳолиси саломатлиги билан боғлиқ долзарб масала кўтарилганига қарамай, мазкур ҳудуд раҳбарлари газета ўқимасликлари маълум бўлиб қолди.***

Мутасаддиларга кун давомида мақола билан танишиш, вазиятни ўнглаш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, шахсан тақдим этиш вазифаси юклатилди.

Йиғилиш якунида соҳага тааллуқли барча идора ва ташкилотлар, маҳаллий ҳокимликлар, шунингдек, тегишли корхоналар раҳбарларига Бўзсув канали қирғоқларидаги ноқонуний қурилмаларни ҳисобга олиш, уларни белгиланган тартибда бартараф этиш, сувни муҳофаза қилиш зоналарига қатъий риоя этилишини таъминлаш, сув ҳавзаси ифлосланишининг олдини олишга доир комплекс чора-тадбирлар режасини зудлик билан ишлаб чиқиш ҳамда ҳаётга татбиқ қилиш вазифаси топширилди.

**ТАҲРИРИЯТ.**



*Кейинги бир ярим йилда туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилган янгича ёндашув яқин орада муносиб натижасини кўрсатиши, шубҳасиз. Президентимизнинг 2018 йил 3 февралда имзоланган "Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони, 6 февралдаги "Кириш туризмини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ҳамда 7 февралда қабул қилинган "Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари соҳада туб бурилиш ясалишига мустаҳкам ҳуқуқий асос яратди.*

# САМАРҚАНД БАШАРИЯТНИНГ ЧЕКСИЗ ҲАЙРАТ, АБАДИЙ МЕҲР-ОҚИБАТ, НОДИР МАДАНИЯТ ВА БУЮК КЕЛАЖАК ШАҲРИДИР

**Б**инобарин, туризмнинг жадал равнақи мамлакатимизни олам узра кўз-кўз этиш, маънавий-маърифий меросимиз, бетакрор обидаларимиз, улуғ алломаларимизнинг ибратли ҳаёти ва фаолиятини тарғиб этиш, халқимизга хос урф-одат, анъана ва қадриятларимиз билан хорижликларни баҳраманд қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Биз мазкур соҳада олиб борилаётган кенг қамровли ишлар билан танишиш мақсадида Самарқанд вилоятида бўлдик.

Хабарингиз бор, яқинда оммавий ахборот воситалари орқали Австралиянинг "Skyscanner" ахборот портали экспертлари "Instagram" ижтимоий тармоғидан фойдаланувчилар учун сайёрамизнинг энг гўзал жойлари рейтингини тузиб чиққани эълон қилинди. Ер юзидаги 15 та энг гўзал шаҳар номи киритилган рўйхатнинг олтинчи поғонасидан тарихий дурдоналари, қадимий обидалари ҳамда улуғ аллома ва мутафаккирлари билан дунёга танилган кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳри ўрин олди.

Мутахассисларнинг айтишича, "Шарқ гавҳари", Ер юзининг сайқали, деб таърифланадиган Самарқанд шаҳрини сайр қилиш кишига унутилмас таассуротлар ҳадя этади. Унинг муқаддас қадамжолари, азиз-авлиёлар мангу қўним топган манзилларини зиёрат қилиш қалбга ҳикмат улашса, тўкин бозорлари, афсонавий нони, соҳибқирон Амир Темур асос солган боғлари, саратон авжида ҳам танага роҳат бахш этувчи насими кишига завқу шавқ бағишлайди.

## Бу ерда имкониятлар кенг

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2018 йил март ойида вилоятга ташрифи давомида такрорланмас тарихий, маданий, меъморий мерос объектлари билан туристларни таништириш учун қулай шарт-шароит яратиш, зиёрат туризмини жонлантириш, умуман, қадимий заминнинг туризм салоҳиятини янада ривожлантириш бўйича бир қатор кўрсатмалар берган эди. Шундан келиб чиқиб, аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинган.

Ҳамроҳимиз, Самарқанд вилояти ҳокимлигининг ахборот хизмати раҳбари Манноб Ибодуллаевнинг айтишича, бугун ҳудудда сайёҳлар борадиган манзиллар сони ортиб бормоқда. Амир Темур мақбараси, Регистон ансамбли (Шердор, Тиллакори, Мирзо Улуғбек мадрасалари), Бибихоним ва Ҳазрати Хизр масжидлари, Шоҳи Зинда ёдгорлиги, Хўжа Дониёр зиёратгоҳи, Мирзо Улуғбек расадхонаси, Самарқанд туманидаги Нодир Девонбеги комплекси, Хўжа Аҳрор Валий масжиди, Ургут туманидаги Ғавсул Аъзам, Хўжа Омон, Чор Чинор зиёратгоҳлари, Пайариқ туманидаги Имом Бухорий мажмуаси ҳар доим маҳаллий ва хорижлик меҳмонлар билан гавжум.

Шунингдек, янги йўналишларга Ўзбекистон тарихи, Самарқанд шаҳар тарихи — "Афросиёб" музейи, Ўлкашунослик музейи, Пахтачи туманидаги Добусия шаҳристони, Пайариқ туманидаги Челак-Кўктепа тарихий ёдгорлиги, Маҳдуми Аъзам зиёратгоҳи ва бошқа қадамжолар киритилган.

Вилоятдаги музейлар фаолиятини янада кенгайтириш, уларнинг хорижий мамлакатлар музейлари билан, жумладан, илмий тадқиқот йўналишида ҳамкорликни кучайтириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада Япония, Франция ва Жанубий Кореянинг археологик институтлари ҳамда музейлари билан алоқалар ўрнатилган. Хусусан, "Афросиёб" музейининг "Элчилар хонаси"даги деворий суратларни босқичма-босқич асл ҳолатига келтириш ишлари олиб борилаётган бўлса, кўҳна Афросиёб тепалигида жойлашган Сўғдиёна (қадимги Мароқанд ёки Афросиёб) шаҳрининг эски кўриниши акс эттирилган 3D треки сайёҳларга намойиш қилинмоқда.

Мавсумда ҳар куни 100 дан ортиқ меҳмонхоналарда маҳаллий ва хорижий сайёҳларга хизмат кўрсатилиб, шаҳар маркази, шунингдек, туташ ҳудудлардаги 30 дан зиёд ресторанларда миллий, корейс, рус ва Европа таомлари тайёрланиб, кўнгилочар тадбирлар уюштирилмоқда. Зиёратчилар ва сайёҳлар оқимининг кўплиги инобатга олиниб, "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти ҳамда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси томонидан қўшимча рейсларни ташкил этиш юзасидан таклифлар киритилган.



**САМАРҚАНДДА 1851 МОДДИЙ-МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТИ МАВЖУД:**

**1105 та** археологик;
**670 та** меъморий;
**37 та** диққатга сазовор жой;
**18 та** монументал;
**21 та** мемориал тоифага кирувчи объект.

## "Биз ҳар доим қадим манзилларга талпинамиз"

— Кейинги бир ярим йилда Самарқандга сайёҳлар келиши кескин кўпайди. Масалан, 2017 йил давомида ўнта чартер рейс орқали Япония фуқароларининг юртимизга саёҳати уюштирилган бўлса, бу йил қатновлар сонини 15 тага етказиш кўзда тутилган, — дейди Ўзбекистон туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Дилшод Нарзиқулов. — Ушбу саёҳатлар орқали 3000 га яқин японияликларнинг юртимизга келиши кутилмоқда. 2017 йил мобайнида Самарқандга 1,1 млн. нафарга яқин маҳаллий ва 180 мингдан ортиқ хорижий сайёҳлар ташриф буюрди. Уларнинг географиясига қарайдиган бўлсак, вилоятга йил давомида 100 дан зиёд давлатлардан сайёҳлар ташриф буюришган. Улар орасида Россия, Франция, Германия, Япония, Италия ва Испания давлатлари вакиллари кўпчиликни ташкил қилади.

2018 йилда 350 минг нафар хорижий ҳамда 1 млн. 650 минг маҳаллий сайёҳни Самарқанд заминида қабул қилиш бўйича ишлар бошланган. Туристик хизматлар экспорти географияси Индонезия, Малайзия, Исроил, Сингапур, Австралия ва Туркия каби давлатлар ҳисобига кенгайиши кутилмоқда.

— Ўзбекистонда сўнгги пайтларда бутунлай янги тизим асосида изчил ислоҳотларнинг рўй бераётгани бугун чет элларда ҳам маълум, — дейди Япониянинг "All season" туристик компанияси вакили Каваками Кодзухиса. — Шунинг учун мамлакатингизни ўз кўзи билан кўришга ҳавасманд кишилар бизда жуда кўп. Лекин шу пайтгача виза тартиблари туфайли кўпчилик бу ерга келишга интилмасди. Эндиликда Президентингизнинг ташаббуси билан кўпгина давлатлар қатори Япония фуқароларига ҳам Ўзбекистонда бир ойгача визасиз тартибда бўлиш ҳуқуқининг берилиши сайёҳлар оқимининг кескин кўпайишига имконият яратди. Буни ҳақиқий янгилик деса бўлади. Ўз юртини севадиган, унинг тараққиёти йўлида кечаю кундуз меҳнат қилаётган Шавкат Мирзиёевнинг барча ташаббуслари ибратга лойиқ. Биз эса ҳар доим Ўзбекистонга талпинганмиз. Самарқанд дейилса, ҳар бир япониялик, аввало, қадимий Буюк Ипак йўлини ёдга олади.

## Имом Бухорий мажмуасига бир кунда 5 мингга яқин меҳмонлар келмоқда

Самарқандга ташриф буюрган меҳмонларнинг аксарияти Пайариқ туманидаги Имом Бухорий мажмуасини, албатта, зиёрат қилади. 2018 йилнинг биринчи чорагида Имом Бухорий мажмуасини 311 минг нафардан ортиқ сайёҳлар, жумладан, 2000 нафарга яқин хорижликлар зиёрат қилган. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 146 минг нафарга кўп демакдир.

Президентимиз 2017 йил ноябрь ойида мажмуага ташриф буюрганида, бу борада амалга ошириладиган ишлар концепцияси билан танишиб, уни янада такомиллаштириш бўйича зарур тавсиялар берган эди. Шу асосда мажмуани реконструкция қилиш ҳамда ушбу масканга зиёрат туризми бўйича келувчи сайёҳлар учун барча хизмат турини қамраб олувчи меҳмонхона ва инфратузилма объектлари қуриш юзасидан лойиҳа-таклифлар тайёрланди.

Лойиҳага кўра, таъмирлаш ишларини мажмуа ҳудудини уч қисмга ажратган ҳолда босқичма-босқич амалга ошириш мўлжалланган. Аввало, ёдгорликнинг олд қисмини икки қават қилиб кўтариш, масжидни кенгайтириш, 250 ўринли зал, юқори мартабали меҳмонларни кутиш хоналарини ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

Мажмуа рўпарасида меҳмонхоналар, бозор, гипермаркет, савдо ва маиший хизмат мажмуалари, кафе ва чойхоналар, миллий ҳунармандлик устахоналари, спорт майдони қуриш режалаштирилган. Ушбу ҳудуд ва мажмуа ўртасида фавворалардан иборат 850 метрлик аллея, унинг ёнида француз услубида, ландшафт дизайни асосида баҳаво йўлаклар барпо этилади. Зиёратчиларга қулайлик яратиш мақсадида мажмуа яқинида маҳаллий ва вилоятлараро йўналишларда қатновчи автобуслар учун автовокзал ҳамда 700 ўринли автомобиллар тўхташ жойи қурилади, мажмуага олиб борувчи йўл бўйида қишлоқ аҳолиси учун икки қаватли турар-жойлар бунёд этиш белгиланган.

Бу ишлар амалга оширилгач, зиёратгоҳда бир вақтнинг ўзида 3-4 минг сайёҳга сифатли хизмат кўрсатиш имконияти яратилади.

— Дам олиш кунлари мажмуага ўртача 5 минг сайёҳ келмоқда, — дейди Ўзбекистон Мусулмонлари идораси Самарқанд вилояти Имом Бухорий ёдгорлик мажмуи бошқарув кенгаши раиси Деҳқонбой Эрмаматов. — Наврўз байрами кунлари эса 15 — 17 минггача зиёратчилар ташриф буюрди. Бу биринчи навбатда, сайёҳларнинг хавфсизлигини таъминлашни талаб этади. Шу мақсадда иккита қўриқлаш пости тузилиб, туну кун қўриқлов амалга оширилаяпти. Мажмуа ичида эса "Хавфсиз туризм" ходимлари фаолият кўрсатмоқда.

## Илғор технологиялар — тайёр дастёр

2018 йил мамлакатимизда "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" деб эълон қилинди. Барча соҳада бўлгани каби туризм соҳасида ҳам янги инновацион ғояларни ва ахборот технологияларини қўллаш катта самара бермоқда. Дунё мамлакатлари тажрибасидан маълумки, ҳозирги кунда туризмда ахборот технологиялари катта роль ўйнамоқда.

Сайёҳларни жалб қилиш, ҳаво йўллари, темир йўл, автомобиль ва бошқа транспортни масофадан туриб банд қилиш, яшаш жойини ижарага олиш, турли тадбирлар ҳақида батафсил маълумотга эга бўлиш, ўша мамлакатга кириш визасини олиш, овқатланиш жойларидаги хизматлар учун олдиндан тўлов қилиш каби юмушларни ахборот технологиялари орқали бир лаҳзадаёқ бажариш имконияти яратилмоқда. Бундан ташқари, туристларга қулай бўлиши учун сайёҳлик объектларининг интерактив йўл кўрсаткичларга эга электрон хариталари тузилган.

Бу қурилмани сайёҳ доимо ўзи билан олиб юра олади ва хоҳлаган жойига бориши, интернет тармоғи мавжуд бўлмаган жойларда ҳам ишлатиши мумкин. Дастурдан фойдаланишни истаган сайёҳ уни www.samarkandtour.uz сайтидан ёки Google Play электрон дўконидан (www.play.google.com) ўз мобиль қурилмасига юклаб олиши талаб этилади.

## "Samarkand city" муҳташам туризм зонаси бўлади

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2020 йилга қадар "Samarkand city" туризм зонаси ташкил этилади. Бу ҳақда ҳукуматимизнинг Самарқанд ва Самарқанд вилоятининг туристик салоҳиятини ривожлантиришни жадаллаштиришнинг уч йиллик дастури тасдиқланган. Унга кўра, ҳудудда замонавий меҳмонхоналар, коттежлар, маданий-соғломлаштириш ва кўнгилочар савдо масканлари, жумладан, амфитеатр, боулинг-клублар, караоке-барлар, кафе, ресторанлар, эсдалик совғалар ва бошқа маҳсулотлар дўконлари қурилади.

Дастурда умумий овқатланиш тизимини такомиллаштириш ва туристларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишлари учун шароит яратиш, шу жумладан, замонавий ресторанлар қуриш, нурли ва мусиқий шоу дастурларини ташкил этиш, ўзбек миллий мусиқасининг театрлаштирилган концерт дастурларини уюштириш, маданий мерос объектлари ҳудудида миллий урф-одат ва анъаналарни намойиш қилиш кўзда тутилган.

Авиарейслар ҳамда тезюрар "Афросиёб" электропоезди қатновлари сонини кўпайтириш, Самарқанд шаҳрининг тарихий ҳудудида сайёҳларга хизмат кўрсатувчи ихтисослаштирилган ташкилот фаолиятини йўлга қўйиш, туристик намойиш объектларига олиб борадиган автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш йўли билан транспорт хизматини яхшилаш, шу жумладан, авиа ҳамда темир йўл инфратузилмасини янада ривожлантириш белгиланган.

"Самарқанд нонлари", "Самарқанд ҳунармандлари", "Миллий таомлар", "Шарқ ширинликлари" каби фестивалларни уюштириш ҳамда ўтказиш, хорижий туроператорлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари учун ахборот турларини ташкил этиш, экскурсияларнинг туристик хариталарини тайёрлаш, шунингдек, оммабоп хорижий телеканалларда Самарқанднинг туризм салоҳиятини тарғиб қилиш, ҳудуднинг диққатга сазовор жойлари ва бой тарихига бағишланган маълумотларни интернет ҳамда оммабоп ижтимоий тармоқларда жойлаштириш орқали кенг қамровли реклама кампаниясини ўтказиш ва Самарқанд шаҳри брендини тарғиб этиш режалаштирилган.

Дастурда асосий эътибор зиёрат туризмини ривожлантириш ҳамда зиёратчи-сайёҳлар оқимини оширишга қаратилган.

Ҳисоб-китоб қиймати 39,34 млрд. сўм бўлган дастурнинг ижроси 2020 йилга қадар хорижий сайёҳлар сонини икки баробар оширишга имкон бериши кутилмоқда.

## Гидлар маҳорати ва масъулият

Мамлакатимизга келаётган сайёҳларга юқори сифатли сервис хизмати кўрсатиш, уларнинг ҳар бир куни мазмунли ва таассуротларга бой ўтиши учун зарур шарт-шароит ҳамда имкониятлар яратиш тегишли идоралар, сайёҳлик фирмаларининг доимий эътиборида. Бу жараёнда юртимизда сайёҳларга сафар давомида ҳамроҳлик қилувчи ёки маълум бир объект бўйича маълумот берувчи гидлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш мақсадида кенг кўламли ишлар қилинмоқда.

Афсуски, гид-таржимонлик билан шуғулланиш ҳуқуқи бўлмаса-да, чет тилини биладиган айрим кишиларнинг хорижий сайёҳларга ҳамроҳлик қилиб, уларга ўз билганича маълумот бериш ҳолатлари ҳам учраб туради. Бу эса юртимиз тарихи, маданиятининг турлича талқин этилиши, собиқ тузум мафкураси таъсири остида яратилган, ҳеч қандай тарихий манбага эга бўлмаган "ҳикоя" ва "ривоят"лар тилдан-тилга ўтишига сабаб бўлмоқда.

— Хорижлик меҳмонларга таржимонлик қилишнинг катта масъулияти бор, — дейди олий тоифали гид-таржимон Муродхон Эргашев. — Аввало, фақат гид чет элликлар билан суҳбатлашиш, уларга юртимиз ҳақида маълумот бериш имкониятига эга бўлади. Бу ишнинг масъулиятли жиҳати шундаки, гиднинг нафақат берган маълумоти, балки ўзини тутиши, маданияти меҳмонларда юртимиз, халқимиз ҳақида қандай тасаввур уйғотишига таъсир қилади. Шунинг учун гид, биринчи галда, асл ватанпарвар, юксак маънавиятли инсон бўлиши керак. У сайёҳларга ҳар томонлама асосли, айни вақтда қизиқарли ва ибратли маълумотларни етказиши лозим.

## Истиқболли йўналишлар, ҳал этилаётган муаммолар

Аёнки, сайёҳларнинг дастлабки фикри ва кайфияти аэропорт ёхуд темир йўл вокзалида яратилган шароиту қулайликларга қараб шаклланади. Бугунги кунда аэропорт ҳафтасига фақатгина 30 га яқин маҳаллий ва хорижий йўналишларда авиақатновларга хизмат қилишини инобатга олиб, "Самарқанд" халқаро аэропорти қувватини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Юртбошимизнинг юқори даражада ўтказилаётган учрашувларида имзоланаётган битимлар, туризм бозоридаги талаб ва эҳтиёж натижасида янги авиарейслар ташкил қилинмоқда. Биргина "Истанбул — Тошкент — Истанбул" авиақатнови йўлга қўйилиши, Японияниг Токио шаҳри, Нагоя ва Нара префектурасидан Самарқандга амалга оширилган чартер рейслари, режалаштирилаётган Жакарта — Самарқанд — Жакарта, Сиань — Самарқанд — Сиань чартерлари келгусида сайёҳлар оқими кескин ошишига хизмат қилади.

Вилоятга ташриф буюраётган сайёҳлар, қолаверса, маҳаллий аҳолининг кўнгилдагидек ҳордиқ чиқариши учун бир нечта дам олиш масканларини ташкил этиш ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, Ургут туманининг Омонқўтон ва Бешкон маҳаллалари ҳудудида, Ургут — Китоб йўли бўйлаб жойлашган Тахтиқорача довонида, Самарқанд туманининг Оҳалик ва Миронқул маҳаллаларида дам олиш масканлари қурилиши охирига етказилаяпти. Жомбой, Нуробод ва Қўшработ туманларида ҳам худди шундай масканларни барпо этиш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилаётир.

Очиғи, бугун маҳаллий аҳоли ҳамда хорижий меҳмонларнинг маданий ҳордиқ чиқариши, дам олишини мазмунли ўтказиши учун шаҳарда замонавий ва ҳар томонлама қулай шароитларга эга истироҳат боғлари етарли эмас. Эътибор беринг: фақатгина 2018 йилнинг январь — март ойларида 19 мингдан ортиқ хорижий ва 230 минг нафардан кўпроқ маҳаллий сайёҳлар Самарқанд вилоятига ташриф буюришган. Айниқса, Наврўз байрами тантаналарида ташриф буюрганлар жуда ортганлиги меҳмонхоналарни кўпайтириш лозимлигини яна бир бор кўрсатди.

Ана шу жиҳатлар таҳлил қилиниб, барча қулайликка эга, миллий ва замонавий уйғунликдаги айвонлар, турли конструкциялар, ёритқич ускуналари, ўриндиқлар, гулхоналар, аттракционлар, меҳмонхона ва ресторанларни ўз ичига олган инновацион истироҳат боғи лойиҳаси ишлаб чиқилган. Мазкур лойиҳада Самарқандда илк "Муз саройи" ҳамда "Картинг" клублари қуриш кўзда тутилган.

## "Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!"

Ички туризмни ривожлантириш тўғрисида қабул қилинган Президент қарори асосида вилоятнинг йирик иш берувчилари, жамоат ташкилотлари ҳамда хайрия фондлари тизимлари орқали аҳолининг кенг қатламини "Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!" шиори остида республика бўйлаб саёҳатлари уюшқоқлик билан ташкил этилаяпти.

Ушбу йўналишда тарғибот-ташвиқот ишлари кучайтирилиб, туристик соҳа тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорликда маҳаллий сайёҳлар учун туризм мавсуми бўлмаган даврларда 40 фоизгача чегирмалар жорий қилинмоқда. Мазкур қарор билан давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимлари учун туристик саёҳат турларини ташкил қилиш жадваллари тасдиқланган. Жорий йилнинг январь ойидан бошлаб вилоятнинг барча ҳудудида саёҳатчилар гуруҳлари шакллантирилиб, график асосида уларнинг зиёратлари уюштирилаяпти.

Гуруҳларда ёш оилалар, маҳалла



фаоллари, йирик иш берувчилар ходимлари, ёшлар, тадбиркорлар ва бошқа соҳа вакиллари қамраб олинган бўлиб, 2018 йил давомида вилоятнинг 25 мингга яқин аҳолиси саёҳатлари ташкил этилади. Бу ўтган йилдагига нисбатан 3,7 баробар ошади, деганидир.

Мавжуд тарихий-маданий, экологик, экстремал, агро, гастрономик ва бошқа туризм йўналишида фойдаланиш мумкин бўлган объектларни аниқлаш мақсадида махсус ишчи гуруҳ томонидан вилоят туманларининг туристик салоҳиятини акс эттирувчи туманлар ва шаҳарлар паспортлари ишлаб чиқилди. Натижада 30 га яқин янги истиқболли объектлар аниқланди. Жумладан, Булунғур тумани ҳудудида Амир Темур томонидан қурилган кўприк, Хўжа Ҳофиз мақбараси ҳамда илоҳий ҳовуз борлиги маълум бўлди. Ушбу мақбара ҳудудини ободонлаштириш, олиб борувчи йўлларни таъмирлаш, янги мақбара барпо этиш бўйича чора-тадбирларни белгилаш, мазкур объектни туристик маршрутга киритиш борасида ишлар амалга оширилмоқда.

Бугун Ўзбекистонни, унинг тарихий шаҳарларини бутун дунёда билишади. Президентимизнинг узоқ ва яқин давлатлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги эзгу ташаббуслари, виза тизимининг соддалаштирилгани туфайли юртимизга бўлган интилиш ва қизиқиш янада кучайиб бормоқда. Бу каби улкан вазифаларнинг амалга оширилиши, истиқболли лойиҳаларнинг амалиётга жорий этилиши эса, табиийки, туризм салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилиши муқаррар.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Маънавият

# “Ўзбекистон Қуръон мусобақаси — 2018” якунланди

*Шу муносабат билан ўтказилган тантанали анжуманда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси аъзолари, бошқа ташкилотлар, кенг жамоатчилик ҳамда ОАВ вакиллари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри босқичлари ғолиблари, Тошкент ислом университети, Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги таълим муассасаларининг бир гуруҳ талабалари қатнашдилар.*

Анжуманда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ўтказилган Қуръон мусобақаси халқимизга катта мамнуният бахш этгани, бундай тадбирлар тинч ҳамда осойишта юртимиз довруғини янада кенг ёйишда муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

Мусобақанинг 21 — 24 апрель кунлари ўтказилган якуний босқичида республикамизнинг турли ҳудудларидан келган жами 89 нафар иштирокчи “тиловат” ва “ҳифз” йўналишларида ўзларини синаб кўрдилар.

Ҳакамлар ҳайъати хулосасига кўра, Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институтининг 3-курс талабаси Йўлдошали қори Нуриддинов олий совринга — Гран-прига лойиқ, деб топилди ҳамда унга Ўзбекистон Республикаси Президенти совғаси — “Жентра” русумли автомашина топширилди. Шунингдек, мусобақада “Энг хушовоз Қуръон қориси” (4 нафар), “Энг ёш Қуръон қориси” (4 нафар) ва “Матонатли қори” (5 нафар) йўналишлари бўйича ҳам совриндорлар аниқланиб, уларга диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар тақдим қилинди.

**М. ЎРОҚОВ.**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

UTG FARG‘ONAGAZ

«ЎЗТРАНСГАЗ» АЖ

**Фарғона вилояти бўйича газ таъминоти ҳудудий филиали**

**қуйидаги харидлар ва хизматлар бўйича тижорат таклифлари қабул қилади:**

* «KIPOR KDE 7000 STA» русумли дизель генератори, пайвандлаш аппарати — 4 дона;
* резак — 4 тўплам (автоген горелка 4 дона, резак горелка 4 дона, кислород редуктори 4 дона, кислород шланги 200 м., ацетил бочкача 4 дона).

**Шунингдек, Фарғона вилояти бўйича газ таъминоти ҳудудий филиалининг 2018 йил манзилли дастурига киритилган:**

* Боғдод тумани, «Пахтакор» ҚФЙ, Чувринди маҳалласидаги D-219 мм.ли, узунлиги 1500 п/м газ қувурини реконструкция қилиш;
* Боғдод тумани, Боғдод шаҳарчаси, Усмонхўжаев кўчасидаги D-219 мм.ли, узунлиги 600 п/м газ қувурини реконструкция қилиш;
* Боғдод тумани бўйича газ таъминоти участкаси маъмурий биносини таъмирлаш.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, махсус лицензия ва гувоҳномага эга бўлган, мазкур харид ва хизматлар фаолияти билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектлардан 10 кун мобайнида тижорат таклифлари қабул қилинади.

**Манзил: Фарғона шаҳри, Бурҳониддин Марғиноний кўчаси, 76-уй.**
**Телефон: (+99873) 229-04-36.**

«RESPUBLIKA MULK MARKAZI» АЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига «Milk and meat agro» МЧЖга қарашли, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Ч. Оқтепа кўчаси, 1-уйда сақланаётган, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, «К-700А» русумли трактор қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 81 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2018 йил 28 май куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2018 йил 25 май куни соат 18.00.

Аукцион савдоси ғолиби деб топилган шахсга 5 кун мобайнида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Савдода қатнашиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, трактор бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Respublika mulk markazi» МЧЖнинг «Давр банк» ХАТБ Олмазор филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт: 22604000200571452001, МФО: 01121, СТИР: 200933850.

*Гувоҳнома № 001805.*

**Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (0-371) 228-79-52.**

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси**

**Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили муносабати билан**
**«ФАОЛ ТАДБИРКОР — ИЖОДКОР НИГОҲИДА»**
**республика ижодий танловини эълон қилади.**

Мамлакатимиз иқтисодий салоҳияти, шу жумладан, халқимиз турмуш фаровонлигини янада ошириш, фаол тадбиркорлик бизнес фаолиятини инновацион, яъни замонавий ёндашувлар, илғор технологиялар асосида шакллантириб, бошқаларга ўрнак бўлаётган, қисқача айтганда, замонамиз қаҳрамонлари дейишга арзийдиган ишбилармон, тадбиркор, фермерлар сиймосини яратишга чоғланган ижодкорларни ушбу танловда фаол иштирок этишга чорлаймиз!

Танлов:
— **«Энг яхши бадиий асар»;**
— **«Энг яхши публицистик мақола»;**
— **«Энг яхши видеоролик»** йўналишларида ўтказилади.

Ҳар бир йўналишда 1, 2, 3-ўрин ғолиб ва совриндорлари аниқланади ҳамда уларга диплом ва қуйидаги миқдорда пул мукофотлари топширилади:

**1-ўрин** ғолибига энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баравари миқдорида;
**2-ўрин** ғолибига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари миқдорида;
**3-ўрин** ғолибига энг кам ойлик иш ҳақининг 25 баравари миқдорида.

Шунингдек, «Ёш тадбиркор образини яратган энг яхши асар учун», «Замонавий тадбиркор аёл образини яратган энг яхши асар учун» номинациялари бўйича рағбатлантирувчи мукофотлар таъсис этилган.

Асосий ҳамкорларимиз — Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси.

Танловга тақдим этилган ижодий материаллар 2018 йил 1 ноябрга қадар қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

**Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 73-«А» уй, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси.**
**Мурожаат учун телефонлар: (0-371) 255-29-91, 254-01-22.**
**Электрон почта: tanlov@uzlidep.uz**

Танлов ғолиб ва совриндорлари 2018 йил 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллиги байрами арафасида эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

**кафедралардаги қуйидаги вакант лавозимларга танлов эълон қилади:**

* **Анорганик, аналитик ва физик-коллоид кимё кафедраси:** профессор — 1, ассистент — 2.
* **Токсикологик, органик ва биологик кимё кафедраси:** доцент — 1, катта ўқитувчи — 1, ассистент — 2.
* **Фармацевтик кимё кафедраси:** доцент — 1, ассистент — 1.
* **Фармакогнозия кафедраси:** доцент — 1, ассистент — 1.
* **Фармакология ва клиник фармация кафедраси:** доцент — 1, катта ўқитувчи — 1, ассистент — 1 (биолог-фармаколог), ассистент — 3 (тиббиёт).
* **Дори воситаларининг саноат технологияси кафедраси:** ассистент — 1.
* **Фармацевтика ишини ташкил қилиш кафедраси:** катта ўқитувчи — 1, ассистент — 4.
* **Биотехнология кафедраси:** ассистент — 2.
* **Физика, математика ва ахборот технологиялари кафедраси:** доцент — 1, катта ўқитувчи (математика фанидан) — 1, катта ўқитувчи (физика фанидан) — 1, катта ўқитувчи (муҳандислик графикаси фанидан) — 1, ассистент (энерготехнология фанидан) — 1, ассистент (метрология фанидан) — 2, ассистент (электротехника фанидан) — 1.
* **Тиллар кафедраси:** катта ўқитувчи — 1, ассистент (инглиз тили фанидан) — 1.
* **Ижтимоий фанлар кафедраси:** катта ўқитувчи — 1, ассистент — 1.
* **Фармация кафедраси:** доцент (фармакогнозия фанидан) — 1, доцент (дори турлари технологияси фанидан) — 1.
* **Экология ва микробиология кафедраси:** ассистент (тиббиёт) — 1, ассистент (экология) — 1.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги 20-сонли қарорига мувофиқ «Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида»ги Низом талаблари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 25 августдаги 246-сонли «Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига педагогик фаолият самарадорлиги ва сифатини ошириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори асосида ўтказилади.

***Танловда иштирок этиш учун аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.***

**Манзил: Тошкент шаҳри, Ойбек кўчаси, 45-уй.**
**Телефонлар: (0-371) 256-37-38, 256-38-50.**

**ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ**
**OPEN DAY**
**28 АПРЕЛЬ 10.00—17.00**

**Тошкентдаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти** 28 апрель куни соат 10.00 дан 17.00 гача бўлиб ўтадиган **«Очиқ эшиклар куни»**га таклиф қилади.

Тадбир доирасида сиз институтда қабул қилинадиган академик дастур ва шарт-шароитлар ҳақида билиб оласиз, янги ҳамкоримиз — Ўзбекистондаги Британия Кенгаши дастурларида иштирок этиш имкониятига эга бўласиз, шунингдек, ТСМРИ абитуриентлари учун эксклюзив имтиҳон сессиялари ҳақида маълумот олишингиз мумкин.

Ва албатта, сиз учун мастер-класслар, викториналар, лотереялар ва бошқа қизиқарли тадбирлар ўтказилади!




**Қуйида ҳамкор университетларимиз томонидан тақдим этилаётган йўналишлардан бирини танлашингиз мумкин:**

**Бангор университети,**
Буюк Британия
— Халқаро меҳмондорчилик ва туризм менежменти
— Амалий саёҳат, туризм ва меҳмондорчилик менежменти
— Банк иши ва молия
— Саноат менежменти
— Бизнес ва иқтисодиёт
— Молия, сармоя ва риск менежменти
— Бизнесда компьютер ахборот тизимлари

**Сандерленд университети,**
Буюк Британия
— Бухгалтерия иши ва молия
— Бизнес ва менежмент
— Бизнес ва молия менежменти
— Бизнес ва маркетинг менежменти
— Мода маҳсулоти ва унинг тарғиботи

Талабалар бакалавр дастурини муваффақиятли якунлаганидан сўнг нафақат Ўзбекистон ҳудуди, балки халқаро миқёсда тан олинган дипломларга эга бўладилар.

*Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти*
*100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳкўчаси, 28. Тел.: (+99871) 271-77-00/02/06. Факс: (+99871) 276-90-94.*
*E-mail: marketing@mdis.uz www.mdis.uz*

MDIS Tashkent BRITISH COUNCIL

*Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!*

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ**

**нафас олиш аппаратлари баллонларини тўлдириш учун юқори босимда ишловчи ҳаво компрессорларини**

**етказиб бериш бўйича танлов эълон қилади.**

Танлов бўйича таклифлар ҳар куни соат 9.00 дан 19.00 гача қуйидаги манзилга топширилиши лозим: Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй.

**Танловда қатнашиш истагидаги корхона ва ташкилотлардан тижорат таклифлари эълон чоп этилган санадан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилинади.**
**Маълумот учун телефон: (0-371) 255-75-12.**
**Факс: (0-371) 281-46-71.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 445. 114 526 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона (0-371) 233-52-55;*
*Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — Р. Шерқулов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.10 Топширилди — 00.20 1 2 3 4 5 6